



# САМАРҚАНД ИШСИЗЛИК ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСКАРТИРИШ, ИНВЕСТИЦИЯ ВА ЭКСПОРТДА НАМУНАЛИ ҲУДУД БЎЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 25 ноябрь кuni ижтимоий-иқтисодий ислохотлар жараёнлари билан танишиш ҳамда келгусидаги вазифаларни фаоллар иштирокида белгилаб олиш учун Самарқандга ташриф буюрди.



Давлатимиз раҳбари вилоятга ташрифини таомилга кўра, **Имом Бухорий мақбарасини зиёрат қилиш** билан бошлади. Қуръон тиловат этилиб, дуо ўқилди.

Президентимизнинг ташаббуси билан мазкур мажмуа буюк муҳаддис бобомизнинг ислом оламида тутган юсак мавқеи, улкан салоҳиятига муносиб тарзда қайтадан бунёд этилди. Умумий майдони 45 гектарни ташкил этадиган ҳудудда улкан мақбара, 10 минг кишилиқ масжид ва маъмурият биноси, музей, кириш ва чиркиш айвонлари қурилди. Зиёратгоҳнинг 4 бурчагидаги 75 метрлик миноралар унга маҳобат бағишлаган.

Бу жой фақат зиёрат эмас, илм-маърифат, тарбия ва

ибрат маскани бўлиши, Имом Бухорийнинг буюк изланишлари, билими ҳамда камолоти зиёратчилар, айниқса, ёшлар учун эзгу намуна бўлиши кераклиги эътиборга олиниб, мажмуада инновацион музей ташкил этилди. У ислом оламида муҳаддислар султони дея эътироф этилган Имом Бухорийнинг ҳаёти ва илмий мероси, ислом маърифати ривожига қўшган ҳиссасини намоён этади.

Мажмуа аввал бир кунда 12 минг зиёратчига хизмат кўрсатган бўлса, ҳозир 65 минг нафар меҳмонга халқаро стандартларга мос хизмат кўрсатиш имконияти яратилган.

Зиёратгоҳ атрофида 570 миллион сўм маблағ сарфланиб, меҳмонхоналар ва савдо-сервис нуқталари ташкил

этилди. Бунда 1 та тўрт юлдузли, 2 та уч юлдузли ҳамда 22 та оилавий меҳмон ўйи қурилган. Мазкур объектлар тўлиқ коммуникация тармоқлари билан таъминланиб, ҳудуди ободонлаштирилган. 2026 йилга қадар ҳудудда кўкаламзорлаштириш ишларини амалга ошириш ҳамда автотураргоҳларни ташкил этиш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари Имом Бухорий зиёратгоҳи халқимизнинг бой маънавий мероси ва бунёдкорлик салоҳиятининг ёрқин намунаси бўлганини таъкидлаб, мажмуада айна пайтда олиб борилаётган сўнгги ободонлаштириш ишларини сифатли ва ўз вақтида бажариш юзасидан масъулларга топшириқлар берди.



## Президент иштирокида халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди

— Ўзда кўп минг йиллик тарих ва қадриятларни мужассам этган, кундан-кунга чирой очиб бораётган бу улғу замин дунё цивилизациясида ўз ўрнини тобора мустаҳкамлаб бормоқда, — деди Президентимиз.

Хусусан, “Боқий шаҳар” мажмуаси барпо этилгани, 40 дан зиёд муқаддас зиёратгоҳлар обод бўлгани, “Самарқанд” халқаро аэропорти янгидан қурилгани, ўнлаб халқаро бренд меҳмонхоналари иш бошлагани вилоят туризм салоҳиятини янги босқичга олиб чиқди.

Самарқанд сўнгги йилларда сиёсий, иқтисодий, туризм ва бизнес марказига, кўплаб йирик халқаро тадбирлар, форум ва анжуманлар учун мулоқот майдонига айланди.

Шу йилнинг ўзида бу ерда 40 дан ортқ нуфузли халқаро анжуман ташкил этилгани, айниқса, яқинда ЮНЕСКО Бош конференцияси 43-сессияси ўтказилгани чиндан ҳам улкан воқеа бўлди.

Имом Бухорий мақбараси ҳудуди 45 гектаргача кенгайтирилиб, 10 минг кишилиқ масжид, инновацион музей барпо этилди, атрофида ўнлаб меҳмонхона ва меҳмон уйлари қурилмоқда.

Агар Индонезия, Малайзиядан илғор туристик компаниялар олиб келиниб, меҳмонхоналар бошқарувга берилиб, ўзаро манфаатли ҳамкорлик йўлга қўйилса, туристлар оқими янада кескин кўпайиши таъкидланди.

Бугун вилоят нафақат туризмдаги, балки sanoat, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатишдаги улкан салоҳияти билан инвестор ва тадбиркорлар учунгина жозибадор масканга айланиб бормоқда.

— Энди Самарқанд — ишсизлик ва камбағалликни қисқартириш, инвестиция, экспорт, умуман барча соҳада методик вилоят бўлиши керак. Бунинг учун туман ҳокимлари ўз ҳудуди хусусиятидан келиб чиқиб, бор шартларини таҳлил қилиб, самарасини қисқартириб, хориждан замонавий менежерлар, мутахассислар олиб келиб, янги ишлашга ўтиши зарур, — деди давлатимиз раҳбари.

Президентимиз вилоятда эришилган натижалар ва ишга солинмаган имкониятларни қайд этди. Ўтган саккиз йилда вилоятга 12 миллиард доллар инвестиция киритилди, 600 минг доимий иш ўрни яратилди, тадбиркорлар икки қарра кўпайди.

Ишлаб чиқариш корхоналари сони 1,5

баробар, sanoat ҳажми 1,7 баробар ўсди. Йиллик айланмаси 100 миллиард сўмдан ошган корхоналар сони 81 тага етди. 55 давлатдан хорижий инвесторлар келиб иш бошлади, чет эл капитали иштирокидаги корхоналар сони 700 тага яқинлашди. Хизматлар йилига ўртача 15 фоиздан ўсаяпти, бу йил сервис ҳажми 75 триллион сўмга етади.

Шунингдек, 2024 йил ва бу йилнинг 10 ойида 15 миллион квадрат метрли уй-жой ва тижорат объектлари барпо этилди. Самарқандлик қурувчилар республика бўйича йилига 4,5 миллион квадрат метр бино-иншоотлар қурапти.

Вилоятнинг ялпи ҳудудий маҳсулоти 2016 йилда 23 триллион сўм бўлган бўлса, бу йил 120 триллион сўмга етади. Одамлар вилоятда амалга оширилган ишлар ҳисобига оиласида катта ижобий ўзгаришлар бўлганини айтди. Масалан, ўтган даврда 2 триллион сўмлик 3 минг 200 километр ичимлик суви ва канализация тармоқлари қурилди.

(Давоми 2-саҳифада) >>>

## МАҲДУМИ АЪЗАМ ҚАДАМЖОСИ ЯНАДА ОБОД БЎЛАДИ

Президентимиз Оқдарё тумани Дажбед шаҳарчасида жойлашган Маҳдуми Аъзам мажмуасида амалга оширилаётган реконструкция ишлари билан танишди.

Давлатимиз раҳбари шу йилнинг март ойида вилоятга ташрифини чоғида Маҳдуми Аъзам қадамжосини обод қилишга оид лойиҳа билан танишган эди.

Асли ҳозирги Косонсой туманида туғилган сўфий олим нақшбандия таълимнинг раҳнамоларидан бири бўлган. Ёшлиқ чоғларида Фарғонадаги мадрасада савод чиқариб, Самарқандда Хожа Аҳрор Валийнинг шоғирди мавлоно Муҳаммад Қозий қўлида пирлик даражасига етишди. Кейинчалик ўзи тарикат илмига доир 30 дан зиёд асар ёзган, кўплаб шоғирдлар етиштирган.

Бу зотга илм йўлидаги хизматлари учун Маҳдуми Аъзам унвони берилди. Илм ва дин йўлидаги узоқ сафардан сўнг Самарқандда абдий қўним топган.

Самарқанд ҳукмдори бўлган Ялангтўш Баҳодир Маҳдуми Аъзам қабри устида даҳма қурдирган ҳамда бу ерда йирик масжид, илм толиблари учун мадраса барпо қилган. У вафот этганидан сўнг ўз васиятига кўра, шу ерда дафн этилган. Умуман, зиёратгоҳда 50 дан зиёд қабртош сақланган бўлиб, аксарияти кимнинг шарафига қўйилгани аниқланган. Бу ерда кўплаб алломалар қаторида икки нафар Афғонистон ҳукмдори (Шоҳ Ҳидоят ибн Шоҳ Қосим (1668 йил), Шоҳ Саодат ибн Шоҳ Ҳидоят) ҳам дафн этилган.

Аллома мангу қўним топган зиёратгоҳда лойиҳа доирасида кенг кўламли реконструкция ишлари амалга оширилмоқда.

Маҳдуми Аъзам зиёратгоҳининг умумий майдони қарийб 5 гектарни ташкил этади.



Бу масканга келувчи зиёратчилар ҳам кўп. Уларга шароитларни яхшилаш мақсадида Маҳдуми Аъзам мақбараси ёнида уч қаватли замонавий автотураргоҳ, кириш дарвозаси, кушхона ва маъмурий бинолар, таҳоратхона, минг кишилиқ масжид ва қўшимча айвонлар қурилмоқда.

Таъмирлаш ишларидан сўнг бир вақтнинг ўзида 35 минг зиёратчини қабул қилиш имконияти яратилади. Авваллари 5 минг зиёратчи қабул қилинган.

Шунингдек, ҳудудда зиёратчиларга қўшимча қулайлик яратиш мақсадида ободонлаштириш ишлари олиб борилиб, 40 дан ортқ савдо ва сервис объектлари берилди.

Аллома ёдга олиниб, Қуръон тиловати қилинди. Президент зиёратгоҳда дарахт экди.

Зиёратгоҳни янада ободонлаштириш, боғда кўп йиллик дарахт кўчатлари ўтказиб, ташриф буюрувчилар учун қулайликлар яратиш юзасидан топшириқлар берилди.

Давлатимиз раҳбари Самарқанд шаҳридаги Ҳазрати Хизр мажмуасида ҳам бўлиб, мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислам Каримов мақбарасига гул қўйди.

Қуръон оятлари тиловат этилиб, дуо ўқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### А.М.Бобоевни Самарқанд вилояти ҳокими лавозимига тайинлаш тўғрисида


Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 109-моддаси 15-банди ва 124-моддасига асосан ҳамда халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг қарорига мувофиқ **Адиз Музафарович Бобоев** Самарқанд вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

2025 йил 25 ноябрь

## ЯНГИ ТЕМИР ЙЎЛ ТАРМОҒИ Ургутнинг иқтисодий ривож ва фаровонлигига кучли суръат беради



Президент Шавкат Мирзиёев “Самарқанд – Ургут” янги темир йўл линиясида олиб борилаётган ишлар билан танишди.

(Давоми 2-саҳифада) >>>



## Президент иштирокида халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

– Бир сўз билан айтганда, Самарқандни аҳоли ва тадбиркорлар учун ҳам, туристлар ва инвесторлар учун ҳам жозибадор ҳудудга айлантира олдик, - деди Президентимиз.

Самарқанд аҳолиси 4 миллион 300 мингдан ошди, йилига ўртача 100-110 минг нафарга кўпайиб бораёпти.

– Бугунги йиғилишни Ургутда ўтказишга асосан бежиз эмас. Республика туманлари ичида аҳолиси энг кўп Ургутда 600 мингдан ортиқ одам истиқомат қилаёпти. Ургут тумани узок йиллардан бери вилоят қишлоқ хўжалигида етакчи. Адир ва тошлоқ ерда “Ургут” эркин иқтисодий зонасини ташкил қилганимиз, 860 миллион долларлик 74 та лойиҳа ишга тушгани натижасида Ургут саноатлашган ҳудудга айланди, - деди давлатимиз раҳбари.

Саноат ривожланиши савдо ва сервисга ҳам катта туртки берди. Ҳозир Ургут вилоят саноатида учинчи ўринда, сервисда эса тўртинчи ўринда. Бугун Ургутда яна бир тарихий воқеа – 55 километр темир йўл линиясини ишга туширилди. Ушбу тармоқни электрлаштириш ишлари келаси йил тўлиқ якунига етказилади. Бу – аввало аҳолига янада қулай шароит яратиш билан бирга, саноат, қишлоқ хўжалиги ва сервисда янги имкониятлар эшигини очиб беради.

Ургут тумани марказидаги 24 та маҳаллада 100 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Бу – баъзи бир шаҳарлар аҳолисидан кўп. Ҳудуддаги аҳоли уй-жой, канализация, ичимлик суви, мактаб, боғча, шифохона, бизнес инфратузилмаси билан боғлиқ масалалар ечимини анчадан бери кутаётгани кўрсатиб ўтилади.

Шунинг учун Президентимиз Ургут марказига “Янги Ўзбекистон” қиёфасини олиб кириб, юртимиздаги энг замонавий ва кўркам шаҳарлардан бирига айлантириш бўйича алоҳида қарорни имзолади.

Туманининг Кўйи Камангарон маҳалласидаги “Янги Ўзбекистон” массивига туташ ҳудуддан 90 гектар қўшимча жой ажратиш, замонавий урбанистика асосида 100 минг аҳолига мўлжалланган замонавий эко-шаҳар барпо этилиши эълон қилинди.

Янги шаҳарда йўл, сув, канализация, электр, мактаб, боғча, шифохона ва бошқа инфратузилма объектларини қуриш, тадбир-



корлик лойиҳалари учун 50 миллион доллар ажратилади. 3 гектар майдонда туманининг 35 та ташкилоти учун ягона маъмурий марказ қуриб берилади. Уларнинг бўшаган бинолари эса бизнес учун хусусий секторга тақлим қилинади.

Президентимиз йирик саноат корхоналарининг ўз ишчилари учун корпоратив буюртма асосида бундай уйлари сотиб олиш бўйича ташаббусларини маъқуллади.

Кейинги йилдан бундай корхоналарни рағбатлантирадиган механизмлар жорий қилинади ва бутун республикага татбиқ этилади.

Яна бир янгилик – Оқдарё, Пайариқ, Паст Дарғом, Тойлоқ ва Самарқанд туманидаги 17,5 минг гектар ҳудуд Самарқанд шаҳрига қўшиб берилади. Бунинг ҳисобига Самарқанд шаҳри аҳолиси 604 мингдан 882 мингга етади. Шу боис, аҳолиси ва даромади кундан кунга ўсиб бораётган Самарқанд шаҳрида замонавий уй-жойларга бўлган талабни таъминлаш учун 3 та йирик массив танлаб олинди.

Жумладан, “Ширин” массивида 180 минг, “Темирйўл орти” ҳудудида 100 минг, “Қорасув-2” массивида 30 минг аҳоли учун 700 дан ортиқ замонавий кўп қаватли уйлар барпо этилади. Бу ерларда мактаб, боғча, олийгоҳ ва шифохона, замонавий бизнес ва савдо маркази, меҳмонхона ва ресторан, кўнголарчар масканлар ҳам қурилади.

Самарқанд шаҳридаги 49 та вилоят ташкилоти келаси йил “Ширин” массивига қўчади. Шу йил охиригача бу массивни шаҳар

маркази билан боғловчи “Қорадарё” устидан ўтган 577 метрли кўприк ишга туширилади. Испаниялик инвесторлар билан хусусий шериклик асосида ушбу 3 та массивнинг канализация тизими янгиланади.

Шаҳарда юк транспорти ҳаракатини камайтириш мақсадида Оқдарё, Тойлоқ ва Самарқанд туманидан ўтувчи магистрал йўл бўйида 4 та логистика маркази барпо этилади.

Сессияда ташкилий масала кўриб чикилди.

– Биз юртимизда инсон қадрини улуғлаш, иқтисодиётни барқарор ўстириш орқали аҳоли фаровонлигини ошириш бўйича катта-катта марра ва режаларни оляпмиз. Бу ишларни ташкил қилиш учун вилоятга замонавий фикрлайдиган, муаммоларни тизимли таҳлил қилиб, инновацион ечим бера олишга салоҳиятли раҳбар керак, - деди давлатимиз раҳбари.

Президентимиз Самарқанд вилояти ҳокими лавозимига ҳоким вазифасини бажариб келаётган Адиз Бобоев номзодини тавсия этди.

Вилоят фаолларининг номзод ҳақидаги фикрлари тинглангач, вилоят ҳокимини тайинлаш масаласи овозга қўйилди. Овоз бериш натижаларига кўра, **Адиз Бобоев вилоят ҳокими этиб тасдиқланди.**

Президентимиз янги ҳокимга у иш ўрни яратиш, камбағалликни қисқартириш, инвестиция ва экспортни кўпайтириш, таннархни камайтириш ва энергия тежамкорликни ошириш бўйича Самарқандни намунали ҳудудга айлантириши шартлигини кўрсатиб ўтди.

## ТИББИЁТДАГИ ЯНГИЛИКЛАР ТАҚДИМОТИ

**Президент Шавкат Мирзиёев Рақамли соғлиқни сақлаш маркази ва Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Самарқанд филиаллари фаолияти билан танишди.**

Ушбу марказнинг Самарқанддаги филиалида олиб борилаётган ишлар давлатимиз раҳбарига тақдимот қилинди. Вилоятдаги тиббиёт муассасаларида рақамлаштириш ишларининг бориши, касалликлар, беморлар ва дори воситалари тўғрисидаги маълумотларни тўплаш ҳамда уларга ишлов бериш учун қўлланилаётган дастурий ечимлар ва сунъий интеллект технологиялари, буларнинг барчаси амалда қандай натижалар бераётгани тўғрисида батафсил ахборот берилди.

Жумладан, соҳада DMED ягона электрон ахборот платформаси ишга туширилиб, унга 36 миллион нафардан зиёд аҳолининг тиббий маълумотлари киритилди. Тез тиббий ёрдам хизматида электрон бошқарув йўлга қўйилиб, қаҳриқларга етиб бориш вақти қисқармоқда.

Шунингдек, “Электрон рецетп” тизими фаолиятининг йўлга қўйилиши натижасида ортиқча

дори ёзиш ҳолатлари 40 фоизга камайди, дори воситаларининг айланмаси шаффофлашди.

Президентимиз рақамлаштириш орқали соғлиқни сақлаш билан боғлиқ барча аналитик маълумотларга эга бўлиш давлат учун муҳимлигини, бу – тиббиётни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаш, соҳада маблағ ва ресурсларни тўғри тақсимлаш, дори-дармон муомаласини тартибга солиш ва коррупция ҳолатларига барҳам беришнинг муҳим воситаси эканини таъкидлади. Мутасаддиларга бу борадаги ишларни тизимли давом эттириш бўйича кўрсатмалар берди.

– Беморлар оқими, касалликлар тузилиши, даволаш сифатини чуқур таҳлил қилиб борсак, биз тизим самарасини янада ошира оламиз, - деди Президентимиз.

(Давоми 3-саҳифада) >>>



## ЯНГИ ТЕМИР ЙЎЛ ТАРМОҒИ УРГУТНИНГ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖИ ВА ФАРОВОНЛИГИГА КУЧЛИ СУРЪАТ БЕРАДИ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Ушбу темир йўл қурилиши жорий йил февраль ойида бошланган бўлиб, умумий узунлиги 55 километри ташкил этади. Лойиҳа доирасида иккита вокзал, “Ургут” иқтисодий зонасида иккита юк станцияси ҳамда бир қатор кўприклар барпо этилди. Эътиборлиси, мазкур линияни келгусида тўлиқ электрлаштириш режалаштирилган.

Янги йўналиш икки жуфт шаҳарлараро поезд ва тўққиз жуфт юк поезди қатновини таъминлаш имкониятига эга. Лойиҳани шу йил якунига қадар якунлаш кўзда тутилган. Поездлар қатнови йўлга қўйилиши орқали йилига 359 минг йўловчи ва 8,2 миллион тонна юк ташиш имкони яратилади.

Йўналиш Самарқанд шаҳри, Жомбой, Тойлоқ ва Ургут туманлари аҳолиси учун хавфсиз ва замонавий транспорт хизмати тақдим этиши билан аҳамиятли. Шунингдек, ички туризм ривожига ҳам катта туртки беради.

Темир йўл инфратузилмаси иқтисодиётнинг асосий тармоқларидан бири бўлиб, ушбу лойиҳа “Ургут” эркин иқтисодий зонаси салоҳиятини янада оширишга хизмат қилади. Янги йўналиш ишга тушиши натижасида 130 та янги иш ўрни яратилади.

Давлатимиз раҳбари жамоатчилик вакиллари билан бирга мазкур йўналишда ҳаракатланувчи поездда Ургутга борди.

Сафар чоғида Президентимиз темир йўл инфратузилмасини ривожлантириш, йўловчилар учун қулайликларни янада ошириш, темир йўлларни электрлаштириш ва уларга туташ ҳудудларни ободонлаштириш юзасидан мутасаддиларга қўшимча топшириқлар берди. Шунингдек, йўл бўйлаб амалга оширилаётган қурилиш ва ободончилик ишларига эътибор қаратди.

Ургут тумани катта салоҳиятга эга ҳудуд сифатида тобора муҳим ўрин эгаллаб бораётгани таъкидланди. Бу ердаги аҳоли ишбилармон, тадбиркорлик руҳи кучли. Мамлакатимиз иқтисодиёти учун стратегик аҳамиятга эга бўлган бундай ҳудудларни ривожлантиришда эса замонавий логистика ва инфратузилма ҳал қилувчи омил ҳисобланади.

Янги темир йўлнинг келиши билан Ургутда иқтисодий ўсишни чеклаб турган тўсиқлар, логистик “тромб”лар бартараф этилади. Юк ташиш тезлашади, махсулотлар бозорларга арзон ва вақтида етказилади, инвесторлар учун қўлайликлар янада ортиб, ҳудуднинг рақобатбардошлиги ошади.

Энг муҳими, ҳудудда яратилаётган янги имкониятлар аҳолининг турмуш даражасига беvosита ижобий таъсир кўрсатади. Инфратузилма ривожланган жойда иш ўринлари кўпаяди, хизматлар яхшилана-

ди, тадбиркорлик фаоллашади.

Таъкидланишича, мазкур лойиҳа темир йўл тармоғини модернизация қилиш ва кенгайтиришга қаратилган ишларнинг муҳим қисми ҳисобланади. Бу жараёнда ишларни ўз вақтида ва юқори сифатда амалга ошириш, рақамли технологияларни кенг жорий этиш ҳамда ҳаражатларни оптималлаштириш зарурлиги айтилди.

Сафар чоғидаги сўхбатда давлатимиз раҳбари Самарқандда бўлаётган ижтимоий-иқтисодий янгиликларнинг одамлар ҳаётидаги ижобий акси яққол кўзга ташланаётгани, ёшларни ватанпарварлик руҳида, Янги Ўзбекистоннинг бунёдкорлари сифатида тарбиялаш ҳақида сўз юритди. Ургутгача тортилган темир йўлига туташ ерларни ўзлаштириш, уларда қишлоқ хўжалиги маданиятини юксалтириш, таълим соҳасида, шу жумладан, қўшни давлатлар билан халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш зарурлиги таъкидланди.

Ургут вокзали янги йўналишнинг асосий нуқталаридан бири. Президентимиз вокзал инфратузилмаси, хизмат кўрсатиш тизими ва йўловчилар ҳаракатини ташкил этиш масалаларига эътибор қаратди. Туристлар учун қулайликларни яхшилаш муҳимлиги қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари шу ерда Ургут тумани фаоллари билан самимий мулоқот ўтказди. Сўхбатда ҳудудлардаги ўзгаришлар, аҳоли турмуш тарзи ва тинчлик қадрини ҳақида фикр алмашилди.

Одамларнинг турмуш шароитларини яхшилаш, даромад ва фаровонликни ошириш, маҳаллаларни обод қилиш давлат сиёсатида устувор йўналиш сифатида белгиланаётгани таъкидланди. Иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар натижасида саноат, қишлоқ хўжалиги, туризм, транспорт ва энергетика соҳаларида йирик лойиҳалар амалга оширилаётгани қайд этилди.

Нуронийлар бу ўзгаришлар аҳоли ҳаётида сезиларли натижа бераётгани, халқимиз ислохотларга юқори баҳо бераётганини таъкидлади.

Шунингдек, Президентимиз вокзал атрофида аҳоли фаровонлиги ва ҳудуднинг иқтисодий жозибадорлигини оширишга қаратилган қўшимча лойиҳалар тақдимоти билан ҳам танишди. Тадбиркорлар ташаббуси асосида яқин ҳудудларда автовокзал, миллий чойхона, экобозор, турар жой бинолари, хусусий мактаб ва боғчалар барпо этиш режалаштирилмоқда.

Ушбу ишлар амалга оширилиши натижасида аҳолига янги хизмат турлари яратилади, ҳудуднинг ижтимоий инфратузилмаси яхшиланади, тадбиркорлик муҳити янада фаоллашади. Энг муҳими, 350 нафарга яқин фуқаронинг доимий бандлиги таъминланиб, ҳудуднинг иқтисодий ўсишига қўшимча туртки берилади.

**Давлатимиз раҳбари Ургут туманидаги “Ferge Group” корхонасининг маиший техника ишлаб чиқариш лойиҳаси фаолияти билан танишди. “Ургут” эркин иқтисодий зонасидаги мазкур корхона кейинги йилларда юртимизда тадбиркорлик субъектларига яратилган қулай имконият ва ишончли инвестиция муҳити натижасида ташкил этилган замонавий ишлаб чиқариш мажмуаси саналади.**

## ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН МАҲСУЛОТЛАР ХОРИЖДА РАҚОБАТБАРДОШ БЎЛИШИ ЗАРУР

Дастлаб хориждан келтирилган бутловчи буюмлар асосида бир неча турдаги маиший техника воситаларини йиғиш билан фаолият бошлаган корхона бугунга келиб музлаткич, газ плита, кичик печ, чангюткич ва дудбурон, бошқа уй-рўзгор буюмлари, замонавий темир эшиклар ишлаб чиқариш бўйича Марказий Осиёда мустаҳкам ўринга эга йирик компанияга айланган.

Бу ерда “Dorsa”, “Kleo”, “Ferge” каби брендлар остида “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” ёрлиги билан тайёрланаётган маҳсулотлар Марказий Осиё давлатлари ва Озарбайжонга экспорт қилинмоқда. Ички бозордаги рақобат муҳитида ҳам “Ferge” ўз ўрнини топан брендга айланган. Корхонанинг йиллик қуввати ҳозирда ўртача 440 миллиард сўмлик 250 минг дона маҳсулотни ташкил этиб, бу кўрсаткич йил сайин ошиб бормоқда.

Ишлаб чиқариш жараёнида “Embraco”, “LG”, “DOW”, “Midea” каби дунёдаги етакчи компаниялар материаллари ва бутловчи қисмлардан фойдаланилади. Бугунги кунда корхона маҳсулотларининг маҳаллийлаштириш даражаси қарийб 85 фоизни ташкил этади.

Лойиҳанинг умумий қиймати ўттиз миллион АҚШ доллари бўлиб, хорижий инвестиция ва банкнинг имтиёзли кредитлари жалб этилган. Мингга яқин иш ўрни яратилган. Ишлаб чиқариш ускуналари Германия, Туркия, Италия ва Хитойнинг энг сўнгги румсудмаги технологиялари ҳисобланади.

Шавкат Мирзиёев бу ердаги ишлаб чиқариш жараёнини кузатди, корхона масъуллари ва мутахассислар билан суҳбатлашиб, халқаро стандартларга мос маҳсулотлар турини ошириш ва хориж бозоридagi ўрнини янада мустаҳкамлаш зарурлигини таъкидлади. Бу борада давлат томонидан яратиб берилган имконият ва имтиёزلардан унумли фойдаланиш зарурлиги қайд этилди.

Ўз брендида асос солиб, юртимиз



довруғини дунёга таратаётган тадбиркорлар доимо қўллаб-қувватланиши айтилди. Улар қўшимча қиймат яратиш, минглаб одамларни доимий даромадга эга қилмоқда.

– Тадбиркорни қўллаб-қувватла-масдан янги Ўзбекистонни барпо қила оламиз. Агар сизлар тинимсиз изланиб, бирлашсангиз, Самарқандда камбағал деган қатлам қолмайди. Ҳарақатда бўлиб, Ўзбекистон номини жаҳонга танитишдек имкониятга эгасиз, - деди Президент.

Давлатимиз раҳбари “Ургут” эркин иқтисодий зонасида бу каби ишлаб чиқариш корхоналарини кўпайтириш орқали қўшимча қиймат яратиш ва янги иш ўринлари очишнинг муҳимлигини таъкидлаб, масъулларга топшириқлар берди.

Шу ерда Президент инвестиция лойиҳалари, Самарқанд вилоятидаги етакчи саноат корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар кўргазмаси билан танишди.

Тақдимотда соғлиқни сақлаш, тоғкон саноати, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, технопарк, ипакчилик

ва металлургия йўналишларидаги қатор лойиҳалар ҳақида маълумот берилди.

Самарқанд шаҳрида Туркиянинг нуфузли компаниялари билан ҳамкорликда давлат-хусусий шериклиги асосида кўп тармоқли шифохона ташкил этиш лойиҳаси амалга оширилади. Ушбу лойиҳа доирасида 1 минг нафар иш ўрни яратилади.

Булунғур туманида эса Хитой компанияси билан тиббий препаратлар ишлаб чиқариш йўлга қўйиш режалаштирилган. Бу лойиҳа доирасида ҳам 1 минг нафар одамнинг бандлиги таъминланади.

Шунингдек, Хитой компанияларининг Ургут туманида ипак толаси ҳамда мато ишлаб чиқариш, Нуробод туманида технопарк махсус саноат зонасини ташкил этиш, Самарқанд шаҳрида пўлатни эритишда фойдаланиладиган кимёвий қотишмалар тайёрлаш, Паст Дарғом туманида кўча иншоотлар эса ҳам лойиҳалари тақдим этилди.

Лойиҳаларни ўз вақтида сифатли ва тезкор амалга ошириш бўйича масъулларга тегишли топшириқлар берилди.





## ТИББИЁТДАГИ ЯНГИЛИКЛАР ТАҚДИМОТИ

(Давоми. Бошланиши 2-саҳифада).

Юртимизда юрак-қон томир касалликларини эрта аниқлаш ва юқори технологияли тиббий хизматларни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Барча ҳудудларда бўлган каби Кардиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Самарқанд филиали ҳам тубдан янгиланиб, замонавий қиёфа касб этди.

Давлатимиз раҳбари бу ердаги шароитлар билан танишди.

Марказни ривожлантириш учун жами 52 миллиард сўм йўналтирилиб, кенг кўламли реконструкция ишлари амалга оширилди. Бугунги кунда марказ 100 ўринли шифо масканига айланган бўлиб, 262 турдаги тиббий ускуналар билан таъминланган.

Хизматлар қамровини кенгайтириш мақсадида мобил диагностика тизими йўлга қўйилиб, етти минг нафарга яқин беморда коронарография амалиёти ўтказилди. Лойиҳа доирасида реанимация бўлими, ситуацион марказ ва кутиш зали ҳам замонавий тарзда барпо этилди.

Марказда Самарқанд давлат тиббиёт университети билан ҳамкорликда кадрлар тайёрлашга ҳам муҳим эътибор қаратилмоқда. Кардиохирургия йўналишида клиник ординатура фаолияти йўлга қўйилиб, маҳаллий мутахассисларнинг малакаси оширилмоқда.

Янги имкониятлар туфайли юқори технологияли тиббий хизматлар кўлами сезиларли кенгайди. Хусусан, юрак-қон томир операцияларининг сони йил давомида 383 тадан 590 тагача ортди.

Давлатимиз раҳбарига “Инфаркт ва инсультга қарши кураш” миллий дастури тақдими давомида юрак-қон томир ва цереброваскуляр касалликлар бўйича статистика, 5 йиллик касалланиш динамикаси, Европа стандартларига мос миллий дастурлар ҳамда тажриба-синов лойиҳаси натижалари ҳақида ахборот берилди.

Ушбу касалликларини барвақт аниқлаш, олдини олиш ва даволаш бўйича ишлаб чиқилган беморларни йўналтириш (маршрутизация) тизими тақдимот қилинди.

Президентимиз бундай марказлар тиббий хизмат сифати ва аҳоли саломатлигини яхшилашда муҳим ўрин тутуши, Самарқандда яратилган тажрибани бошқа ҳудудларда ҳам оммалаштириш зарурлигини таъкидлади.

## Давлатимиз раҳбари Ургут мисолида имкониятларни таҳлил қилиб, вазирлар ва ҳокимлар олдида кейинги йил учун аниқ вазифалар қўйди.

Ургутда барча имкониятларни сафарбар қилиб, келаси йил камбағаллик ва ишсизликни 2 фоиздан тушириш кераклиги таъкидланди. Туманда 1,5 мингта саноат корхонаси бўлса-да, айримлари фаолият кўрсатмаяпти, ишлаётганлари ҳам мавжуд қувватидан тўлиқ фойдаланмаяпти.

Мутасаддиларга “Ургут” эркин иқтисодий зонасига кирувчи 14 та туман ҳокими билан ишни тўғри ташкил қилиш, ишлаб чиқариш харажатларини 20-30 фоизга қисқартириш топширилди.

Масалан, янги темир йўл линияси ҳисобига Ургут ва Тойлоқдаги 1 минг 200 та саноат корхонасининг ташиш харажатлари арзонлашиб, таннарх 6-8 фоизга қисқаради. Агар темир йўл бўйлаб учта замонавий логистика маркази қуриلسа, Ургут, Тойлоқ, Жомбой, Булунгур ва Самарқанд туманларидаги 2 мингга яқин саноат корхонасининг ташиш харажатлари яна 10-15 фоизга арзонлашиши кўрсатиб ўтилди.

“Ургут” саноат зонасига кооперация олиб кириб, маҳсулотларни “эҳтиёт қисмлар – тайёр маҳсулот” занжири асосида ишлаб чиқариш орқали таннархни 5 фоиздан 15 фоизгача камайтириш мумкин.

Рақамлаштириш ҳамда сунъий интеллектни жорий қилиш орқали ҳам ишлаб чиқариш самардорлиги 20 фоизга ошади, операцион харажатлар 20-25 фоизга камади.

Мутасаддиларга туман саноатининг 70 фоизини берадиган 43 та корхонага шу ишларни қандай ташкил қилишни ўргатиш топширилди.

“Ургут” эркин иқтисодий зонасининг 287 гектари адирда жойлашгани учун инфра-тузилма олиб бориш 2-3 қарра қимматлашмоқда. Агар бу ерлар қулай ҳудудларга алмаштириб берилса, инвесторлар 560 миллион долларлик 80 та лойиҳани амалга оширишга тайёр. Масъулларга йил якунигача саноат зоналаридаги бўш ерларни таҳлил қилиб, самарасиз ҳудудларни бошқасига алмаштириш бўйича таклиф киритиш топширилди.

Ургут тумани йилига 40 миллион долларлик саноат маҳсулотларини экспорт қилмоқда. Туманда йилига 350 миллион долларлик саноат маҳсулоти чиқиши ҳисобга олинса, бу жуда кам экани қайд этилди.

Сурия, Ироқ ва Афғонистоннинг ўзида 30 миллиард долларлик электротехника, текстил, озиқ-овқат, автомобил, фармацевтика ва қурилиш материалларига эҳтиёж бор. Лекин бу бозорларга жадал кириб бориш бўйича на тармоқ раҳбарлари, на ҳокимлар ҳалигача тайинли натижа кўрсатмаётгани кўрсатиб ўтилди. Шу боис йил якунигача Афғонистоннинг

## РАҲБАРЛАРГА ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ БЕРИЛДИ

Мозори-Шариф шаҳрида Товар-хомашё биржаси филиали очилади ва камида 100 турдаги маҳаллий маҳсулотларни сотиш йўлга қўйилади.

Кейинги йилдан Савдо-саноат палатасининг Ироқда 3 нафар, Сурияда 2 нафар савдо маслаҳатчилари иш бошлайди. Ироқнинг энг йирик 100 та тадбиркорларини Самарқандга таклиф қилиб, “Ўзбекистон-Ироқ” бизнес форумини ўтказиш муҳимлиги таъкидланди.

Умуман, келаси йили вилоятда 70 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш ва саноатда 25 минг иш ўрни яратиш режа қилинди.

Ургутга йил бошидан 500 минг хорижий ва 1 миллион маҳаллий сайёҳ келди. Тадбиркорлар Зарафшон тоғ тизмасида жойлашган “Қортоғ” зонасида 600 гектар майдонда туризм зонаси ташкил этиш ташаббусини билдирган. Ёки “Қоратепа” сув омбори атрофида кемпинг ва капсула уйлар қуриб, “Эко шаҳарча” барпо этилса, туристларга йил давомида хизмат кўрсатадиган масканга айланади.

Шу боис, мутасаддиларга Ургутда туристик-рекреацион зона дирекциясини ташкил этиш, мастер-режа ишлаб чиқиш, лотларни савдога чиқариш топширилди. Ушбу лойиҳанинг инфратузилмаси учун 50 миллион сўм маблағ ажратилди.

Ургутдаги ёндашувлар асосида яна 245 миллион долларлик лойиҳалар ҳисобига 8 туманда 15 минг иш ўрни яратиш режалаштирилган. Умуман, келаси йил 600 миллион долларлик туризм лойиҳаларини бошлаб, камида 35 минг аҳолини банд қилиш зарурлиги қайд этилди.

Ургутдаги маҳаллалар инфратузилмасига келаси йил 260 миллиард сўм ажратилиши эълон қилинди. Мисол учун, Ургутдаги Тинчлик маҳалласи ҳудудидан логистика маркази қуриш учун 5 гектар жой ажратилиб, 5 миллиард сўмлик инфратузилма қилиб берилса, 100 га яқин дўкон, ошхона ва сервис объектлари қураман, деган ургутликлар кўп.

Туман марказидаги 1,5 километрлик Навоийшоҳ кўчасини туну кун ишлайдиган масканга айлантириш орқали 60 та савдо-сервис объекти ташкил қилиб, 500 нафар одамни ишли қилиш мумкин.

Шунингдек, туманининг 8 маҳалласи инфратузилмасини яхшилашга Ислом тарқиёт банкидан 10 миллион доллар жалб қилинмоқда. Бундан ташқари, Тожикистон билан чегарадош 15 маҳаллада меҳмон уйи ва дам олиш маскани қуришга 10 миллиард сўм ресурс йўналтирилмоқда.

Умуман, 2026 йилда вилоятдаги маҳаллаларда савдо ва сервис ҳисобидан 40 минг иш ўрни яратиш муҳимлиги қайд этилди.

Ургут туманининг 112 минг гектар майдони бор, шундан 12 минг гектари сўғори-



ладиган, 40 минг гектари яйлов ва 22 минг гектари тоғ ҳудудларини ташкил қилади. Бу йилдан 2 минг гектар галла ерлари, 3,5 минг гектар тамаки ерлари мева-сабзавот экишга ўтказилмоқда. Янги қўшилаётган 5,5 минг гектарда юқори даромад берадиган экспортбop маҳсулотлар етиштириш муҳимлиги кўрсатиб ўтилди.

Масалан, галла ва тамакидан бўшаган ерларнинг 3 минг гектаридан оқ қишмиш экилиб, майиз қилинса, туманда қўшимча 80 миллион долларлик экспорт бўлади. Шунингдек, Ургут туманидаги 500 гектар тоғолди ва яйловда саноатлашган узумзор ташкил этиб, 10 гектардан аҳолига бўлиб бериш ташаббуси билдирилган. Иштихон туманида ҳам келаси йил 2 минг гектар қир-адирда бундай узумзорлар ташкил қилинади.

Ушбу ерларга сув олиб чиқиш мақсадида 50 та артизан қудуғи қазиб, 15-20 киловаттлик қуёш панели ўрнатиш харажатлари учун 30 миллиард сўм арзон ресурс берилди.

Ургутдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмининг 51 фоизи чорвачиликка тўғри келади. Туманда 40 минг гектар яйлов бўлсада, шундан атиги 1,5 минг гектари чорва хўжаликлари учун ажратилган. Ваҳоланки, уруғ ва агротехнологиялар яхшиланса, чорвачилик қилса бўладиган 14 минг гектарда яна 40 минг бош қўй-эчки боқиш мумкин. Бу – йилига 100 минг тонна гўшт ва вилоят талабининг 50 фоизи шунга ўзида қопланади, дегани.

Мутасаддиларга 40 минг бош қўй-эчки бўйича лойиҳани молиявий манбалари билан ҳал қилиш, яйловларни ўзлаштириш бўйича Ургутга мутахассис олиб келиш топширилди.

Умуман, вилоятда 688 минг гектар яйлов бор. Бу – чорва озукаси учун жуда катта имконият. Эндиликда чорваси бор фермерлар учун яйловлардаги бўш ерлар қийматининг 1 фоизи миқдоридидаги нарх билан аукционга чиқарилади. Осиё тараққиёт банкнинг 63 миллион доллар ҳисобидан 200 минг гектар яйловда озукабop экинлар экиш бўйича лойиҳани бошлаш топширилди.

Вилоят қишлоқ хўжалигини асосий сув манбаи Зарафшон дарёси бўлиб, ундан келаятган сув ҳажми йил сайин камайиб бормоқда. Дарёдаги сув ҳажми камайиб кетгани учун ер ости сувларида фойдаланиш даражаси 2 баробар ошган. Шу боис, кейинги йил камида 30 минг гектарда сув тежайдиган технологияларни жорий қилиш зарурлиги қайд этилди.

Энди вилоятдаги фермерлар учун томчилатиб ва ёмғирлатиб сўғоришни жорий қилиниши белгиланди. Сув солиғи тушуми тўлиқ туман сув корхоналари ихтиёрига ўтказилиб, фақат ариқ ва каналларни бетонлашга сарфланади. Бунинг натижасида ҳар йили 1 минг километр тупроқ канал ва ариқлар бетон қопламага ўтказилади.

Йиғилиш якунида давлатимиз раҳбари масъулларнинг ҳисоботлари ва режаларини тинглади.

Президент матбуот хизмати хабарлари асосида тайёрланди.

## Oliygo va maktab hamkorligi kuchayishi kerak

Yaqinda mamlakatimizdagi pedagogika oliygohtarining bir guruh professor-o'qituvchilari safida Buyuk Britaniyaning Kembrij universitetida o'tkazilgan "Raising Awareness of Alternatives" malaka oshirish dasturida ishtirok etib qaytdim.

Dastur mashg'ulotlarida pedagog tayyorlashning ilg'or modellari, dialogik pedagogika, xalqaro ta'lim standartlarini amaliyotda qo'llash, o'qituvchilar amaliyotini tahlil qilish va baholash madaniyatini rivojlantirish maqsad qilingan.

Treninglar davomida "Yaxshi dars" va "Yaxshi o'qituvchi" tushunchalarini xalqaro nuqtai nazardan tahlil qildik, dialogik o'qitish, mentorlik tizimi bo'yicha ilg'or tajribalarni o'rgandik. Cambridge Maths School va Comberton Village Collegeda bo'lib, muassasa o'qituvchilarining dars sifatini oshiruvchi metodlari, pedagogik yondashuvlarini kuzatdik. O'qituvchilarning o'quvchilar bilan samimiy muloqoti, yoshlarni fikrlashga undovchi savollar berish madaniyatiga guvoh bo'ldik. Ulardagi universitet va maktablar o'rtasidagi hamkorlik, o'qituvchining o'quvchini professional kuzatuvchi, bilimlarni baholashdagi uslublari chuqur taassurot qoldirdi.

Kuzatuvlardan bildimki, talabalarning faolligi, bilim olishi, ehtiyoji haqida ma'lumot beruvchi doimiy jarayonlar-

ga, ularning darsdagi faoliyatini kuzatishga, uy vazifalarini nazorat qilishga, ular o'rtasida qisqa testlar, so'rovnomalar o'tkazishga ahamiyat beravermaymiz.

Qolaversa, bizda pedagogik kadrlarni tayyorlash va malaka oshirish yo'nalishida ayrim cheklovlar mavjud. Ko'pincha nazariya va amaliyot ajratilgan yoki amaliyot muddati qisqa. Mentorlik tizimi rivojlanmagan, texnologiya hamda interfaol metodlar yetarli darajada tatbiq etilmayapti. Fikrimcha, sohada sifatni oshirish uchun oliy ta'limdan keyingi ta'lim modellarini o'rganish, nazariyani amaliyot bilan uyg'unlashtirish va o'quvchi-talabalar faoliyatini rag'batlantirish tizimini keng targ'ib etish zarur.

Kembrij tajribasi shuni ko'rsatdiki, yuqoridagi kabi zamonaviy pedagogik yondashuvlar o'qituvchining professional o'sishida hal qiluvchi ahamiyatga ega.

**SHERZOD DALIYEV,**  
Kattaqo'rg'on davlat pedagogika instituti o'qituvchisi, dotsent.



**“Er-xotinning nikohga qadar o'ziga tegishli bo'lgan mol-mulki, shuningdek, ulardan har birining nikoh davomida hadya va meros tariqasida yoki boshqa bepul bitimlar asosida olgan mol-mulki ulardan har birining shaxsiy mulki hisoblanadi va ularning bo'linishiga yo'l qo'yilmaydi”.**

**Ushbu qaydlar nikohlanuvchi yoshlar orasida tuzilgan nikoh shartnomasidan olingan. Biz ilgari asosan nikoh shartnomasining qanday hujjat ekaniga ko'proq urg'u berar edik. Bugun uni tuzish qoidalari, afzalliklari haqida ko'proq gapiryapmiz.**

## Ishonchsizlik emas, ishonch hujjati

Nikoh shartnomasi bu - er va xotinning nikoh davrida yoki ajrashgan taqdirda ularning mulki huquq va majburiyatlarini belgilovchi notarial tartibda tasdiqlangan hujjat hisoblanadi. Ushbu hujjatning afzalliklari juda ko'p. Birinchi navbatda, mulkiy nizolarning oldini oladi, ajralish holatida mol-mulkin bo'lish jarayonlarini osonlashtiradi. Qolaversa, mulkiy manfaatlarini himoya qiladi, har bir tomonning shaxsiy mulkini saqlashga yordam beradi. Mol-mulikka egalik tartibini belgilaydi, ya'ni birgalikdagi, ulushli yoki alohida egalik shaklini tanlash imkonini yaratadi. Eng muhimi, oila mustahkamligini qo'llab-quvvatlaydi, o'zaro mas'uliyatni kuchaytiradi. Nikoh qurish avvalidanoq moddiy ta'minotni tartibga soladi, oila xarajatlari va daromadini taqsimlash tartibini belgilaydi.

Ushbu fikrlardan ko'rinib turibdiki, nikoh shartnomasi, bu nafaqat mol-mulkin himoya qilish vositasi, balki oila barqarorligi va ishonchli munosabatlar garovidir.

Bu fikrlarni nikohlanuvchi yoshlarga aytib, ularga bu hujjatni tuzishlari o'zaro ishonchsizlik emas, aksincha, ishonch ekanligini ta'kidlaymiz.

Olib borilgan targ'ibot ishlari natijasida o'zgarishlar sezilyapti. Misol uchun, Narpay tumanida noyabr oyining 10 kunligida 50 ta nikoh qayd etilgan bo'lsa, nikohlanuvchi shaxslarning 12 nafari notariy orqali nikoh shartnomalarini ham tuzishdi.

**Malohat MIRZAYEVA,**  
Narpay tuman FHDY bo'limi mudirasi.

**REKLAMA, E'LONLAR, BILDIRISHLAR / MUHOJAAT UCHUN TELEFON: 66-233-91-56**

**DA'VOLAR BO'LSA...**  
Samarqand shahrida xususiy amaliyot bilan shug'ullanuvchi notarius Yusupova Dilura Hasanovna notarial idorasida marhum Xusainova Pulatxon Akbarovnaga (2025-yil 23-iyunda vafot etgan) tegishli mol-mulk uchun meros ishi ochilmoqda. Shu munosabat bilan merosxo'rlarning Yusupova Dilura Hasanovna notarial idorasiga murojaat etishlarini so'raymiz.

**Manzil: Samarqand shahri Abdurahmon Jomiy ko'chasi, 64-uy.**

Samarqand shahrida xususiy amaliyot bilan shug'ullanuvchi notarius Qodirova Mavluda Turanboyevna notarial idorasida marhum Mo'minov Rustam Habibovichga (2018-yil 29-dekabrda vafot etgan) tegishli mol-mulk uchun meros ishi ochilmoqda. Shu munosabat bilan merosxo'rlarning Qodirova Mavluda Turanboyevna notarial idorasiga murojaat etishlarini so'raymiz.

**Manzil: Samarqand shahri Farhod ko'chasi, 34-uy.**

Samarqand shahrida xususiy amaliyot bilan shug'ullanuvchi notarius Aliyeva Lola Zoirovna notarial idorasida marhum Kudina Yevgeniya Nikitichnaga (2025-yil 10-mayda vafot etgan) tegishli mol-mulk uchun meros ishi ochilmoqda. Shu munosabat bilan merosxo'rlarning Aliyeva Lola Zoirovna notarial idorasiga murojaat etishlarini so'raymiz.

**Manzil: Samarqand shahri Mirzo Ulug'bek ko'chasi, 80-uy.**

**BEKOR QILINADI**  
Samarqand davlat tibbiyot universiteti vrachlar malakasini oshirish fakultetidan Mamatqulov Jomurot Eshmurotovichga 2019-yil 1-fevralda berilgan “Yuqumli kasalliklar bo'yicha birlamchi ixtisoslashtirish” sertifikatini yo'qolganligi sababli bekor qilinadi.



SOG'LOM OILA -  
JAMIYAT USTUNIBolalar  
onkologiyasi

Hozir ham yomon emas, ammo kelgusi yil yaxshiroq bo'ladi

**Bugungi kunda O'zbekistonda har yili 1500 dan ortiq bola xavfli o'sma kasalliklariga chalinmoqda. Onkologik kasallikka chalingan bemor bolalarni davolash faqat shifokorlar emas, ota-onalar uchun ham qator murakkabliklarni keltirib chiqaradi. Uzoq vaqt davolanish, dori-darmon, doimiy stress, oilada kimningdir ishdan voz kechib, bolaga qarash zarurati kabi ko'plab tibbiy, muammolar yuzaga keladi.**

**Samarqanddagi viloyat bolalar ko'p tarmoqli tibbiyot markazida** bolalar onkogematologiyasi bo'limi faoliyat yuritadi. - Vazirlar Mahkamasining "2025-2026-yillarda Samarqand shahri va Ishtixon tumanida bolalar saratoniga qarshi kurashish bo'yicha O'zbekiston Respublikasi milliy strategiyasini joriy etish loyihasini bosqichma-bosqich amalga oshirish to'g'risida"gi qarori asosida qator ishlarni boshladik, - deydi **markaz bosh vrachi Mamatqul Azizov**. - Birinchi navbatda kasallikni erta aniqlash lozim. Yuqoridagi qarorga ko'ra, 2025-2026-yillarda Samarqand shahri va Ishtixon tumanida bolalar saratoniga qarshi kurashish bo'yicha O'zbekiston Respublikasi milliy strategiyasini joriy etish loyihasi ishlab chiqildi. Loyihaga ko'ra, xalqaro ekspertlar va Jahon sog'liqni saqlash tashkiloti ishtirokida tibbiyot xodimlari hamda ota-onalarni saraton kasalliklariga (onkologik va onkogematologik) hushyorligi va bilimlarini oshirish bo'yicha so'rovnomna ishlab chiqildi va yuqoridagi nomlari keltirilgan hududlarda tarqatildi. Shuni aytish lozimki, erta diagnostika onkologik kasalliklarga chalingan bolalarda muvaffaqiyatli davolanish imkoniyatini 70-90 foizgacha oshiradi.

**Yaxshi yangiliklardan yana biri**, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining qarori asosida Andijon, Samarqand, Qashqadaryo viloyatlarida hamda Qoraqalpog'iston Respublikasida bolalar onkologiyasi, gematologiyasi va immunologiyasi ilmiy-amaliy tibbiyot markazining hududlararo filiallarini tashkil qilish bo'yicha amaliy ishlar boshlandi. Markazning filiali bizning shifoxona qoshida tashkil etilishi bejiz emas. Chunki onkologik xastaliklarga chalingan bemorlar turli yo'nalishlardagi bolalar shifokorlariga ehtiyoj sezadi. Markazda esa bu shifokorlarning barchasi faoliyat yuritadi. Hozirgi kunda 100 milliard so'm mablag' evaziga qurilish ishlari boshlangan. 2026-yilda qurilishi va jilozlanishi yakunlanadigan ushbu filial eng zamonaviy uskunalar

bilan jilozlanadi.

- 2024-yil davomida viloyatda 80 nafar bolajonda ushbu xastalik aniqlangan bo'lsa, bu yilning birinchi yarmida shuncha xastalikka chalingan bemorlar qayd etildi, - **deydi markazning bolalar onkogematologiyasi bo'limi mudiri Zokir Sa'diyev**. - Bu diagnostikaning yaxshilanishi, so'rovlar o'tkazilib, shifokorlarning, ota-onalarning ham hushyorligi oshgani natijasi. Tahlillar onkologik xastaliklar ko'payishiga ekologik muammolar, ovqatlanish madaniyati (sanoat usulida ishlangan mahsulotlardan ko'p iste'mol qilish), asabiylik asosiy sabab bo'layotganini ko'rsatmoqda.

Keyingi yillarda ayniqsa, leykozga chalingan bolalar orasida sog'ayish ko'rsatkichlari 70 foizdan oshdi. Bu asosan kasal bemorlarning erta murojaat etishi va davolanish samaradorligining yaxshilangani bilan bog'liq.

Darvoqe, mazkur bo'limda ayni paytda oqon va onkologik xastaliklarga chalingan bemorlar davolanmoqda. Yaxshi bilasiz, onkologik bemorlar uzoq vaqt yo'tib davolanishga muhtoj. Shuning uchun markazda "Mehrlil maktab" faoliyat yuritadi. Bolajonlar bu yerda maktabgacha va maktab ta'limi o'quv jarayonlarini zamonaviy o'quv vositalari orqali o'zlashtiradi.

Hali ko'p yangiliklar oldinda, ammo barcha xastaliklar singari onkologiyada ham kasallik qancha erta aniqlansa, davolanish samarasi ham shuncha ko'tariladi. Ammo muammoli tomoni shundaki, uni erta aniqlash juda qiyin. Hatto shifokorlar ham kezi kelganda to'g'ri yo'naltirmagani tufayli kechikib murojaat qilish holatlari uchraydi.

**Umid qilamizki, kelgusi yilda ochiladigan bolalar onkologiyasi, gematologiyasi va immunologiyasi ilmiy-amaliy tibbiyot markazining Samarqand filiali onkologik xastaliklar bilan og'riqan bemor bolajonlarni tezroq va samaraliroq davolanishlariga imkon beradi.**

Gulruh MO'MINOVA.

**Keyingi yillarda O'zbekistonda kuz fasli ob-havosi sezilarli darajada o'zgarmoqda. Ayniqsa, joriy yilda kuz oylarida havoning odatdagidan ham quruq kelishi aholi salomatligiga ham ta'sir qildi. Quruq havo nafas yo'llari kasalliklarining ko'payishida muhim omillardan biri sifatida qaralmoqda. Namlikning keskin kamayishi nafas yo'llari shilliq qavatining himoya funksiyasini susaytiradi, patogen mikroorganizmlar uchun qulay muhit hosil qiladi va infeksiya tarqalishiga zamin yaratadi.**

QURUQ HAVONING NAFAS  
YO'LLARIGA TA'SIRI

Nafas yo'llarining asosiy vazifasi havoni tozalash, namlash va isitishdan iborat. Ammo havo juda quruq bo'lganda bu tabiiy himoya mexanizmlari ishdan chiqadi. Shilliq qavat namligi 30 foizdan past bo'lganda uning qurishi tezlashadi, mukotsiliar klirens sekinlashadi va mikroob hamda allergenlar nafas yo'llariga to'siqsiz kirib boradi. Bu holat nafas yo'llarining yallig'lanishiga, o'tkir infeksiyalarga moyillikning oshishiga sabab bo'ladi. Quruq havoda interferon ajralishi kamayib, mahalliy immunitet zaiflashadi. Natijada odam tez shamollab qoladi. Bronxial astma bilan og'riqanlarda esa quruq va sovuq havo bronxospazm chaqirib, nafas qisishiga olib kelishi mumkin.

## NIMA QILISH KERAK?

Xona namligini me'yorda ushlab nafas yo'llari salomatligi uchun juda muhim. Namlik 40-60 foiz bo'lishi tavsiya etiladi. Buning uchun namlagich qurilmalardan foydalanish, xonaga suvli idish qo'yish yoki tabiiy namlash usullaridan foydalanish mumkin. Yetarli suyuqlik iste'moli ham havo quruq bo'lgan davrda katta ahamiyatga ega: kattalarga kuniga 1,5-2 litr,

Bilasizmi?

Limon  
choy ni  
noto'g'ri iste'mol  
qilamiz

**Sovuq tushishi bilan ko'pchilik shamollab, immunitetni ko'tarish uchun limon choy ichishadi. Issiq choyga limon qo'shilganda C vitamini ma'lum darajada yo'qoladi. Chunki C vitamini issiqlikka sezgir bo'lib, yuqori haroratda (60 darajadan yuqori) parchalanishga moyil. Shuning uchun limonni biroz sovigan choyga solish lozim.**

Quruq  
kuz:

nafas yo'llari  
kasalliklari  
og'ir kechmoqa

bolalarga yoshiga qarab 0,8-1,2 litr suyuqlik qabul qilish tavsiya etiladi. Burun shilliq qavatini namlash uchun tuzli spreylar, okean suvi asosidagi mahsulotlar (Akva Maris, Akvalor Soft, Marimer) yoki uy sharoitida tayyorlanadigan soda-tuzli eritmalaridan foydalanish mumkin.

Xonani kuniga bir necha marta 5-10 daqiqa shamollatish havoni yangilaydi va viruslar konsentratsiyasini kamaytiradi. Chang ko'tarilgan kunlarda yoki jamoat joylarida niqob taqish nafas yo'llarini himoya qilishda muhim hisoblanadi. Jismoniy faollik, to'g'ri ovqatlanish, vitaminlar bo'y mahsulotlar iste'moli, ayniqsa C va D vitaminlari immunitetni mustahkamlashda katta ahamiyatga ega.

## TAVSIYALAR

Quruq kuz davrida insonlar ayniqsa, to'g'ridan-to'g'ri shamol ta'siridan saqlanishlari

Samarqand shahrida tibbiy profilaktika, kasalliklarni erta aniqlash va sog'lom turmush tarzini targ'ib qilish maqsadida 17-noyabrdan 17-dekabr gacha qadar "SALOMATLIK MARAFONI" o'tkazilmoqda.

"ZARAFSHON"ning  
maxsus sahifasi

zarur. Kuchli shamolli kunlarda niqob yoki yuzni yopadigan sharfdan foydalanish tavsiya etiladi. Bolalar uzoq vaqt shamolli havoda qolmasligi zarur. Tomoq qurib qolishining oldini olish uchun issiq choy, suv va o'tli damlamalarni muntazam qabul qilish, berk xonalarda ko'p va baland ovozda gapirmaslik ma'qul. Uyda namlikni doimiy ravishda nazorat qilish, xonani muntazam shamollatish va namli tozalashni odatga aylantirish kerak. Bolalar yotoqxonalarida harorat 20-22 daraja, namlik esa 45-60 foiz bo'lishi eng maqbul hisoblanadi. Kechqurun burunni tuzli eritma bilan chayish bolalar va kattalarda quruq havo salbiy ta'sirini ancha kamaytiradi.

**Husan TURDIBEKOV,**  
Samarqand davlat tibbiyot universiteti  
ftziatriya va pulmonologiya kafedrasida  
dotsenti, tibbiyot fanlari nomzodi.

## Virusli gepatit "A":

Barcha tibbiyot birlashmalarida  
maxsus emlash punktlari bor

**Virusli gepatit "A" - ko'p uchraydigan yuqumli kasallik bo'lib, jigar faoliyatiga jiddiy ta'sir qiladi. Aholi orasida "sarg'ayish" deb ataladigan bu kasallik haqida Gippokrat zamonlarida ham ma'lumotlar bo'lgan.**

Gepatit "A" virusi bilan kasallanishda asosiy manba bemor inson hisoblanadi. Bemor odam virusni hali sarg'ayish belgisi chiqmasidan 10-14 kun oldin siydigi va axlati orqali tashqi muhitga viruslarni chiqaradi va tarqata boshlaydi. Bu davr virusning eng yuqumli vaqti hisoblanadi.

Kasallik mavsumiyliigi kuz va qish faslining dastlabki oylariga to'g'ri keladi. Asosan, og'iz orqali ifloslangan ichimlik suvi, yetarlicha yuvilmagan meva-sabzavotlar, termik ishlov berilmagan oziq-ovqatlar, bir idish-tovoqdan foydalanish, qo'l yuvmaslik kabi holatlarda yuqadi. Ko'p hollarda suv orqali yuqadi. Bolalar orasida tez tarqalishi ham shu bilan bog'liq.

Kasallikning yashirin davri 2-6 haftagacha davom etishi mumkin. Bemorda darmonsizlik, ishtahaning yo'qolishi, umumiy ahvoning yomonlashishi, keyinchalik ko'z oqi va teri sarg'ayishi, siydik rangining to'qlashishi va axlat rangi oqarishi kabi klinik belgilar bilan namoyon bo'ladi.

Kasallikning oldini olishning eng samarali yo'li - shaxsiy gigiyena qoidalariga rioya etish va emlashdir. Bugungi kunda Jahon sog'liqni saqlash tashkiloti tavsiya etgan gepatit "A" ga qarshi vaktsina mamlakatimizda ham qo'llanilmoqda. Vaktsina qo'llanilishi hisobiga 94-98 foiz holatda kasallikdan ishonchli himoya paydo bo'ladi.

Emlash asosan 18 oylikdan 14 yoshgacha bo'lgan bolalarda amalga oshiriladi.



Viloyatimizdagi barcha shahar va tuman tibbiyot birlashmalarida maxsus emlash punktlari faoliyat yuritmoqda.

Gepatit "A" bilan og'riqan har bir bemorni davolashda qat'iy tartib va parhez talab etiladi. Virusli gepatit "A" bilan kasallanish holati bemorning umumiy holatiga va mehnat qobiliyatiga salbiy ta'sir ko'rsatadi.

Ana shunday og'ir holatlarga yo'liqmaslikning eng to'g'ri yo'li - bolalarni o'z vaqtida emlatishdir.

**Otabek TIRKASHEV,**  
Samarqand davlat tibbiyot universiteti  
o'qituvchisi, tibbiyot fanlari bo'yicha  
falsafa doktori (PhD).

MUASSIS: Samarqand viloyati hokimligi

Bosh muharrir: Farmon TOSHEV

Gazeta O'zbekiston matbuot va axborot agentligining Samarqand viloyat boshqarmasida 2012-yil 30-martda 09-01 raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr 100. Indeks 438. 13 792 nusxada chop etildi. Buyurtma 549. Hajmi 2 bosma taboq, bichimi A-2

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

QABULXONA: (66) 233-91-51, REKLAMA VA E'LONLAR: (66) 233-91-56

BO'LIMLAR: (66) 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61

MANZILIMIZ: 140100, Samarqand shahri, Ulug' Tursunov ko'chasi, 80-uy, Matbuot uyi.

Gazeta «Zarafshon» tahririyatining kompyuter bo'limida sahifalandi.

«Noshir lux» MCHJ bosmaxonasida chop etildi.

Korxonalar manzili: Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uy.

Bosishga topshirish vaqti:

soat 18:30 da.

Bosishga topshirildi:

soat 19:00

Navbatchi muharrir:

G'.HASANOV.

Navbatchi:

D.TO'XTAYEV.

Sahifalovchi:

B.ABDULLAYEV.

Bosishga topshirish vaqti:

soat 18:30 da.


Bosishga topshirildi:

soat 19:00

Saytimizga o'tish uchun QR-kodni telefoningiz orqali skaner qiling



ISSN-201667X



9 772010 667009

Sotuvda

narxi kelishilgan holda

